



28

2013 у.г. «8» август № 788-К Самарқанд т, -Самарқанд

Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан “Samarkand cement” масъулияти чекланган жамиятига шебен ва оҳактош ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарориларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 26 июлдаги 89 рақамли баёни, “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамияти бош лойиҳа қидирув институтининг 2013 йил 8 июлдаги 236-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2013 йил 26 июлдаги 745-сонли ҳулосаси, “Samarkand cement” масъулияти чекланган жамиятини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 26 июлдаги 89 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 54 ва 466 контурларидан “Samarkand cement” масъулияти чекланган жамиятига шебен ва оҳактош ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун жами 3,0 га (шундан: 54 контурдан 0,20 га тош майдалагич ускунаси ўрнатиш ва 466 контурдан 2,80 га шебен ва оҳактош ишлаб чиқариш цехи қуриш учун туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 26 моддасига асосан тош қарери очишдан олдин «Саноатконтехнадзор» инспекциясидан тош қарери очиш ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва қон ажратиш далолатномасини олиш “Samarkand cement” масъулияти чекланган жамияти раиси Т.Г. Турсунов зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев